

МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Пулатов Нодиржон Тохирович,

и.ф.н., доцент, ТДИУ

E-mail: nodir6440@yandex.ru

Аннотация: Ушбу мақола иқтисодиётимизда хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуш кўрсаткичларини ошириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида эришилган натижалар ва келгусидаги ривожланиши бўйича назарий-амалий таклифлар беришдан иборат.

Аннотация: В статье рассмотрены всемерной защите частной собственности и улучшению их роли в экономике, упростить барьеры в деятельности субъектов малого бизнес и частного предпринимательства для развития предпринимательской деятельности, уменьшить государственного вмешательства в предпринимательской деятельности, повышения доли малого бизнеса и предпринимательства в внутреннем валовом продукте также изученно состояния развития и разработаны предложения по совершенствованию сферы малого бизнеса и частного предпринимательства в стране.

Abstract: In the clause it is considered to all-round protection of a private property and improvement of their role in economy, consider barriers in activity of subjects small business and private business for development of an entrepreneurial activity, уменьшит a government intervention in an entrepreneurial activity, Increases of a share of a small business and business in внутреннем a national produce also it is studied conditions of development and it is developed offers on enhancement of sphere of a small business and private business in the country.

Калит сўзлар: кичик бизнес, ялпи ички маҳсулот, кичик саноат зоналари, корхоналарни маҳаллийлаштириш, рақобат муҳити.

Кириш

Ўзбекистон чорак асрлик мустақиллик йилларида улкан натижаларга эришди ва тараққиёт йўлида дадил кадамлар билан бормоқда. Бу албатта, ҳукумат томонидан олиб борилаётган чуқур ислохотлар ва меҳнаткаш халқимизнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари боис юз бермоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларининг улуш кўрсаткичларини ошириш ва маҳаллийлаштириш дастурларини изчил давомийлигини таъминлаш мақсадида импорт ўрнини босувчи, экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш борасида иқтисодий ислохотларимиз давом эттирилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки инсонларнинг ижодий ва интеллектуал қobiliятиини рўёбга чиқариш воситаси ҳамдир. Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрта синфни шакллантириш учун мунтазам кенгайиб бораётган база бўлиб хизмат қилмоқда. Ўрта синф эса, маълумки, ҳар қандай демократик жамиятнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сонли фармони асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси”нинг 3.4.- бандида “... иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш” белгилаб қўйилган [2].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масалалари бўйича кўплаб Президент қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва тегишли вазирлик ва ташкилотларнинг қарорларида ва ушбу соҳада фаолият юритаётган олимларнинг қарашларида акс этмоқда.

Мамлакатимиз биринчи Президенти 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 – йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида биргина 2016 йилда олиб борилган ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000-йилдаги 31 фоиздан, бугунги кунда 56,9 фоизга етгани таъкидланган ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ва ишбилармонлар эҳтиёжини тўлиқ қондирадиган, уларни рағбатлантирадиган шарт–шароитларни яратиш ислохотларини амалга ошириш белгилаб берилган [1].

Хусусан, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сонли фармонига асосан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни амалга ошириш белгилаб берилган [2].

Dr. Jay A. Dewhurst “Бизнесга кириш ва бизнесни режалаштириш” номли адабиётидаги фикрига кўра, тадбиркор ўзгартиришлар агенти, тадбиркорлик янги усулларни излаб топиш жараёни ва кўп ҳолларда янги корхона яратувчилар ҳисобланади, деб ўз фикрларини билдирган [8].

Назарий жиҳатдан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тадбиркорликнинг муҳим хусусиятларига қуйидагилар киради:

- хўжалик фаолияти олиб бораётган субъектларнинг мустақиллиги ва эркинлиги. Ҳуқуқий меъёрлар чегарасида ҳар бир тадбиркор у ёки бу масала юзасидан мустақил қарор қабул қилиши мумкин;

- иқтисодий манфаатдорлик. Тадбиркорликнинг асосий мақсади максимал даражада даромад олишни кўзлаб, жамият тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшишдир;

хўжалик таваккалчилиги ва масъулият. Ҳар қандай ҳисоб-китобда ҳам ноаниқлик ва таваккалчилик бўлиши мумкин.

Тадқиқот методологияси

Илмий ишни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон тажрибасида тадбиркор ўзгартиришлар агенти ҳисобланади. Тадбиркорлик янги усулларни излаб топиш жараёни ҳисобланади. Тадбиркорлар кўп ҳолларда янги корхона яратувчилар ҳисобланади, аммо ишга олиш учун ихтирочи бўлиш шарт эмас. Билл Гейтс ва Пол Аллен Microsoft ни 1975 йилда яратишган ва бу икки инсон катта мисол бўлиши мумкин. Форбс журнаliga мувофиқ, АҚШда ҳар йили 11,5 миллион янги корхоналар очилади, ушбу маълумотда кичик бизнесдан тортиб трансмиллий компанияларнинг барчаси киритилган [8].

Бугунги кунда айнан шу соҳани ривожлантириш ҳисобидан жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликдан манфаатдор бўлган, мамлакатимизни тараққиёт ва демократик ислохотлар йўлидан ривожлантиришда фаол куч бўлиб майдонга чиқаётган ижтимоий қатлам шаклланмоқда.

Давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ва ишбилармонлар эҳтиёжини тўлиқ қондирадиган, уларни рағбатлантирадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида зарур инфратузилма ва коммуникациялар барпо этилмоқда. Мана шу омиллар иқтисодий ва тадбиркорликнинг жадал суръатлар билан ўсишини таъминлаётган, давлатимиз томонидан қўрилаётган рағбатлантирувчи чора-тадбирлар ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳон ахборот агентликларини хабар беришича, Ўзбекистон Республикаси кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги **ўнта давлат** қаторидан жой олгани қайд этилмоқда. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани,

балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи, десак бўлади [1].

1-жадвал

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши (фоизда)

Кўрсаткич номи	2000	2005	2007	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши	31	38,2	45,5	52,5	54	54,6	55,8	56	56,7	56,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Юқорида келтириб ўтилган кўрсаткичлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимиз ижтимоий–иқтисодий ривожланиш йўлидан дадил қадамлар билан бораётганида намоён бўлади.

Ҳар йили олиб борилаётган давлатимизнинг аҳолини иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган мақсадли ишлари натижасида биргина мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ўзининг ижобий ифодасини топмоқда.

2015 йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки “Бизнес юриши” рейтингини эълон қилди. Ана шу рейтингда Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, “янги бизнесни қўллаб-қувватлаш” деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. “Кичик бизнес субъектларига кредит бериш” деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади [9].

2-жадвал

Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес субъектларининг улуши (минг киши)

Кўрсаткичлар номи	2008	2009	2010	2011	2012	2014	2016
1	2	3	4	5	6	7	8
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари сони	661	940,5	950,0	956,2	973,5	960,0	980,0
Шу жумладан:							
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда	374,3	391,8	480,0	600,1	602,2	480,0	480,0 дан ортиқ
КБХТда иқтисодиётдаги жами банд бўлган аҳолининг нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	72,7	74,2	74,4	74,8	75,0	76,5	77

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бугунги кунда янги иш ўринларини яратиш бўйича республикамизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда яратилаётган ҳар йилги янги иш ўринларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши ортиб бормоқда.

Агарда 2-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, **2008 йилда рўй берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига** қарамасдан республикамизда 661 минг янги иш ўрни яратилди ва унинг 374,3 мингги айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилганлигини кўришимиз мумкин. 2015 йилда жами Республикамизда 980 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилган бўлса, шундан 480 мингдан зиёди кичик бизнес соҳасида ўз меҳнатига эга бўлди [9].

Ўзбекистон Республикасининг узоқ йилга мўлжалланган ва халқаро экспертлар томонидан катта қизиқиш билдирилаётган 2010 йил 12 ноябрдаги *“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”* дан келиб чиқиб, сўнгги беш йилда миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш тадбиркорлик фаолиятига ва инвестицион муҳитни янада яхшилаш учун бир қанча қонунларни қабул қилинган тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмини ишлаб чиқилишига хизмат қилди [3]. Биргина, 2014 йил 7 апрелдаги Президент фармони орқали 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб кичик корхоналарда ходимларнинг чекланган сони йилига ўрта ҳисобда икки бараварга оширилгани яъни 200 нафар этиб белгиланди. Бундан ташқари 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган 4848-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлидан бораётганлиги далолатдир.

Тадбиркорлик фаолиятини қонунда белгиланган тартибда чеклаш маъмурий органлардан одил судлов ваколатига ўтказилди. Тадбиркорликка тўсқинлик қилганлик, фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун назорат органлари ходимларининг масъулияти оширилди ва қонунчиликда маъмурий ва жиноий жавобгарлик масаласи кучайтирилди [7].

Мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорликка рухсат беришга оид тартиб-таомилларнинг 160 дан ортиғи ёки 44 фоизи, лицензиялаш талаб қилинаётган фаолиятнинг 19 таси ёки 25 фоизи бекор қилиниб, шунингдек давлат органларига тақдим этиладиган статистика, солиқ ва молия ҳисоботларининг шакли ва даврийлиги 1,5 – 2 марта камайитрилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва кенгайтиришни рағбатлантиришда оптималлаштириш ва имтиёзли кредитлаш масалалари ҳал қилувчи омил бўлиб келмоқда. Ҳаммамизга аёнки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг эркин фаолият кўрсатишининг асосий мажбурий шартларидан бири тадбиркорлик эркинлигининг кучли ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, уларни сўзда эмас, амалда бажариш, давлат, ҳуқуқ

– тартибот, назорат органлари ва тузилмалари томонидан тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувига чек қўйиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлайдиган институционал бозор инфратузилмасини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш тадрижий ривожланиш йўли ва машҳур беш тамойил асосида барпо этиладиган фуқаролик жамиятини шакллантириш модели тарихан қисқа муддатда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг мустаҳкам пойдеворини таъминламоқда. Дунёдаги санокли мамлакатлар сингари иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг юксак барқарор суръатларига эришишига имкон яратмоқда.

Мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунини яхшилаш учун энг устувор вазифа бу таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялаш, ахборот коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш зарур.

Иқтисодиёти бир ёқламаликка асосланган давлатнинг эртанги куни қандай бўлиши яқин тарихдан барчага маълум, шундай экан, жаҳон бозорида юқори даражадаги рақобатга дош бера оладиган ва келгуси даврда мамлакатимизни иқтисодий ўсишини ҳамда иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқларни жадал ривожлантириш ва аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлаш муҳимдир.

Республикаимизнинг барқарор ўсиши ва аҳолини ҳаёт даражаси ҳамда яшаш сифатини белгилаб беришда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Биргина аҳоли бандлигини таъминлаш биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим белгиси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини айниқса, қишлоқ жойларида янада ривожлантириш аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириб бориш масалаларини таъминламоқда.

Сўнгги йилларда республикаимиз миллий иқтисодиётининг барча тармоқларида кичик бизнес фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ташкил этилмоқда ва улар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Бугунги кунда кичик бизнеснинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти қуйидагилар билан характерланади:

- кичик бизнес бозор учун зарур бўлган рақобатчилик муҳитини яратади ҳамда ўзгариб турадиган бозор талабларига мослаб тезда ишлаб чиқариш турини ўзгартириб олиш қобилиятига эга эканлиги билан ажралиб туришида;

- истеъмол соҳасида юзага келадиган ўзгаришларни тезда тўлдириб, энг замонавий ускуналар ва технологиялардан фойдаланиб, сарфланган сармоянинг ўрнини жуда тез қоплай олишида;

- кичик бизнес бозор иқтисодиёти шароитида зарур тезкорликни таъминлаб, ишлаб чиқаришдаги чуқур ихтисослашув ва тармоқлашган

кооперацияни яратади, буларсиз эса юксак самарадорликни таъминлаб бўлмайди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти бир қанча афзалликларга эга бўлиб булар:

- изланиш, янги маҳсулотларни маромига етказиш ва ўзлаштириш ҳамда уларни талабнинг тез ўзгариб туриши хатарини ҳисобга олган ҳолда кичик микдорларда ишлаб чиқаришни ташкил қилишда;

- тезкор техник сервисни ишончилигини ва истеъмолчилар билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатишда;

- ишлаб чиқаришни мослашувчан тарзда ташкил этиш ва маҳсулот сотишни бозор талабларига ҳамда бозор вазиятлари ўзгаришларига мувофиқ олиб боришда;

- ортиқча иш кучини ўзига сингдиришда;

- бошқаришнинг оддийлиги, катта маъмурий аппаратнинг йўқлиги, қурилиш ва лойиҳа қувватларини ўзлаштиришда қисқа муддат, капитал сарфларининг тезда ўзини оқлашида;

- маҳсулот таннархини пассайтириш йўллари излаш муҳимлигида;

- хомашё ресурслардан тўлиқ ва самаралироқ фойдаланишда.

Хулоса ва таклифлар

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотларида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ❖ иқтисодиётимизни деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, технологик жиҳатдан янгилаш жараёнини тезлаштириш керак;

- ❖ ишлаб чиқариш жараёнларини маҳаллийлаштириш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва рақобат муҳитини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига янада кенг имкон яратиш зарур;

- ❖ республикамиз ҳудудларида ташкил этилиши белгиланган кичик саноат зоналари фаолиятини жонлантириш ҳамда бу ҳудудларда маҳаллий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минтақанинг иқтисодий-саноат салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини жойлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш керак;

- ❖ ташқи бозор конъюктурасини чуқур ўрганган ҳолда ҳудудларда экспортга йўналтириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга асосий эътиборни қаратиш лозим;

- ❖ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва йирик саноат корхоналари ўртасида ички тармоқ кооперациясини ривожлантириш йўлида истиқболли саналган лойиҳалар бўйича ишлаб чиқаришга инвестициялар рўйхатини шакллантириш керак;

- ❖ ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бизнес форумлар ҳамда ихтисослашган кўргазмалар жараёнида махсус кўргазма стендлари билан қатнашиш имкониятларини яратиш лозим;

❖ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада жадаллаштириш зарур;

❖ ҳудудларда хусусий сектор ва кичик бизнес фаолиятини диверсификациялашда банк, суғурта, лизинг компаниялари, консалтинг ва бошқа турдаги бозор инфратузилмалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажминини янада ошириш керак;

❖ хусусий тадбиркорларнинг туризм, енгил ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, қурилиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, транспорт хизматлари, қадоқлаш материалларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби тармоқларда шахсий ташаббусларини рағбатлантириш зарур;

❖ молия-кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда кичик корхоналарнинг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш керак;

❖ улгуржи ва майда улгуржи савдони ривожлантириш, кичик тадбиркорлик корхоналарининг хомашё, асбоб ускуна, технологиялар, таркибий қисмларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш тизимини янада такомиллаштириш зарур;

❖ кичик бизнес корхоналари яратилиши ва фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий негизини янада такомиллаштириш керак;

❖ олий ўқув юртларида кичик бизнес учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш зарур;

❖ кичик бизнес фаолияти кўрсаткичларининг ҳисоби ва таҳлили тизимини такомиллаштириш.

Айни пайтда, кичик бизнес корхоналари яратишни рағбатлантириш, бевосита қўллаб-қувватлаш орқали улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича асосий вазифалар ҳудудий ҳокимият ва бошқарув органларига юкланмоқда.

Кичик бизнесни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, оила фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий –иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 – йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси 16.01.2016 й. // Халқ сўзи 11- сон.

2. Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқрлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010 й. - 56 бет.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир чора – тадбирлар тўғрисида” ги ПФ 4609–сонли фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2164-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб – қувватлаш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 2022-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4848-сонли фармони.

8. Dr. Jay A. Dewhurst “Бизнесга кириш ва бизнесни режалаштириш” 1-нашр 2014 йил. bookboon.com. ISBN-978-87-403-0758-0

9. www.stat.uz. маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.